Гос. кинож... УзССР
ОПИСА

СУРЪАТДА ТОШКЕНТ ВА СИРДАРЁЛИКЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1 ОКТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЖУМА
№ 224 (2.630).
Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

✦ ТЕРИМДА ЮКСАК СУРЪАТ ВА СИФАТ БУЛИШИГА ЭРИШИНГ ✦ **ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИБ, «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИНГ ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК** ✦ ЎЗАРО МУСОБАҚАНИ ЯНАДА АВЖ ОЛДИРИБ, ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ КЕНГ ЁЙИЛИК ✦ **БИРОРТА ҲАМ ТЕРИМ АГРЕГАТИ ЁКИ ТЕХНИКА БЕКОР ТУРИБ ҚОЛМАСИН** ✦ «ОҚ ОЛТИН»ИМИЗНИНГ СИФАТИНИ БУЗМАСДАН, ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК.

ИККИНЧИ НОНИМИЗ

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш ҳозирги пайтда энг муҳим, энг долзарб масалалардан биридир. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, СССР Озиқ-овқат программасига мувофиқ республикамиз колхоз ва совхозларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан картошка етиштиришни муттасил кўпайтиришга қаратилган кенг тадбирлар амалга оширилмоқда.

Картошкани халқимиз ҳақли равишда иккинчи нонимиз, деб атайди. Республикамиз хўжаликларида картошка етиштиришни кўпайтириш борасида ўтган йиллар мобайнида маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, хўжалик органлари томонидан анчагина ишлар амалга оширилди. Картошка экиладиган майдонлар кенгайтирилмоқда, бу соҳада илғорлар тажрибаси жорий этилиб, экин ҳосилдорлигини оширишга эришилмоқда. Масалан, бу йил 1980 йилдагига нисбатан картошка экиладиган майдонлар 1,4 баравар кенгайиб, 33 минг гектарга етди.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида 1983—1985 йилларда республикада картошка етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатда ўтган йиллар мобайнида бу соҳада амалга оширилган ишлар умумлаштирилган, йўл қўйилаётган камчиликлар партиявий принципиаллик билан очиб ташланган, картошка етиштиришни кўпайтириш борасида маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, тегишли хўжалик органлари олдида турган вазифаларнинг аниқ ва равшан программаси белгилаб берилган.

Республика партия ва ҳукуматининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, ўтган йиллар мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, кейинги икки йилнинг ўзидаёқ республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги системасида 10 та ихтисослаштирилган картошкачилик совхози барпо этилди, мавжуд совхозларда 5 та бўлим, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги колхозларида эса картошка етиштирувчи 5 та ихтисослаштирилган бўлим, кўпгина бошқа хўжаликларда махсус звенолар ва бригадалар тузилди. Амалга оширилган тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ кўзланган самараларни бера бошлади. Масалан, ўтган йилнинг ўзидаёқ республикамизда картошка етиштириш 36 процент кўпайди. 1980 йилда 137 минг тонна картошка харид қилинган бўлса, ўтган йили бу рақам 190 минг тоннага етди. Республика хўжаликларида бу йил ҳам картошка етиштиришни кўпайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада белгиланган планлар анча ортиғи билан адо этилди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан картошкага бўлган эҳтиёжи тинмай ортиб бормоқда. Чунки ундан тўйимли ва мазали хилма-хил таомлар тайёрлашни кишиларимиз яхши ўрганиб олишди. Агарда эришилган натижаларга КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бу борадаги ишлар ҳали ўсиб бораётган талабларга тўла равишда жавоб бераётир, деб бўлмайди. Бир қатор областлар ва районларда бу соҳада белгиланган тадбирлар амалга оширилмай қолаётир. Область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, тегишли министрликлар назоратни лозим даражада ўрнатмаганликлари ва хўжалик раҳбарларига нисбатан старли даражада талабчанлик қилмаганликлари сабабли қатор районларда белгиланган картошка экиш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш планлари бажарилмай қолаётир. Ана шу экин учун янги ерларни комплекс ўзлаштириш топшириқлари, зарур миқдорда омборхоналар қуриш планлари бажарилмай қолаётганлиги ҳам жиддий нуқсонлардан биридир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида таъкидлаб ўтилганидек, ташкилотчилик ишларини кучайтириш ва шу асосда колхоз ва совхозларда, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида, қурилиш ташкилотлари, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида шу беш йилликнинг охирига бориб картошкани республиканинг ўзида етиштириш ҳисобига аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини асосан тўла таъминлаш мақсадида 1983—1985 йилларда картошка етиштиришни кескин кўпайтиришга эришиш область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетларининг, республика Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ қурилиши ва Савдо министрликларининг, «Главсредазирсовхозстрой», республика «Госкомсельхозтехника»си, «Ўзсельхозхимия», «Ўзбекбирлашув», «Узколхозстрой» ва бошқа тегишли ташкилотларнинг муҳим вазифасидир.

Беш йиллик охирига бориб, барча категорияларда картошка етиштириш ҳажмини 902 минг тоннага етказиш зарур. Бунинг учун аввало колхозлар ва давлат хўжаликларида ана шу экин экиладиган майдонларни тобора кенгайтириш талаб қилинади. 1985 йилга бориб, бундай экин майдонларини 67,6 минг гектарга қадар кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда хўжаликларнинг навли уруғлик тайёрлаш планларининг сўзсиз бажаришларини таъминлашга эътиборни кучайтириш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, экинни етиштириш ва йиғиштириб олиш жараёнларини механизациялаш, ўсимликларни зараркунандалардан, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш системасини яратиш ва деҳқончилик маданиятини ошириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишда олимларимиз деҳқонларимиз олдида ҳозирча қарздор бўлиб қолмоқдалар.

Қишларимиз меҳнати эвазига етиштирилган барча маҳсулотлар нес-кобуд қилинмасдан, ўз вақтида йиғиб-териб олиниши, яхши сақланиши ҳамда қайта ишланиши зарур. Ҳозирги пайтда масалани партиямиз худди шу зайлда қўймоқда. Афсуски, картошкани йиғиштириб олиш, ташиш ва сақлаш жараёнида ҳали ҳам катта нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бу борада фан-техника эришган натижалар, илғор республикаларнинг тажрибалари колхоз ва совхозларимизда суст жорий қилинмоқда. Ҳаётнинг ўзи картошка етиштиришнинг индустриал технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ва мазкур тармоқнинг самарадорлигини кўтаришни қатъий тақозо этмоқда. Бу ҳамда бошқа етилган масалаларни ҳал этиш республикамизда картошкакорликни янада ривожлантиришга ва шу йўл билан Озиқ-овқат программасини амалда рўёбга чиқаришга, аҳолини ана шу маҳсулот билан таъминлашни яхшилашга қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

Шу куннинг қаҳрамонлари

ЗАМИН ФАРЗАНДИ



Баъзилар бор, инсон умрини
Оқар сувга этишар қиёс:
Майли, умрим оқар сув бўлсин,
Халқ наф кўрсин оқар сувга хос.

Шоирнинг ушбу сатларини ўқиганимда беихтиёр миришкор деҳқон Довуджон ака Одиловнинг ҳаёт завқи жилваланиб турадиган чеҳраси кўз олдимда гавдаланади. Бу меҳнаткаш инсон эсини таниибдики, она замин билан тиллашади, ердан меҳрини аямайди.

У ўзининг бу ажойиб фазилати билан кам бўлаётгани йўқ. Ер ҳам, ўз заҳматкаш эгасидан ҳеч нарсасини аямаяпти.

Тажрибакор деҳқон пешона тери тўкаётган Пол районидаги Ленин номли ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Навбаҳор» совхози пахтазорлари ҳам шу долзарб кунларда жасорат, қаҳрамонлик майдонига айланган. Кекса деҳқон Д. Одилов етакчилик қилаётган звено марду майдонлари эса ўзлари етиштирган дуру гавҳарнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай, йиғиб олишда ғайрат намуналарини кўрсатяптилар.

СССРнинг шонли 60 йиллик юбилейига гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» уйиш бу заҳматкаш пахтакор бошчилик қилаётган коллективнинг эзгу аҳди. Ҳосил чўғи ва теримнинг бугунги суръати Довуджон Одилов ва унинг миришкор ҳамкасблари кўзлаган марранинг сўзсиз забт этилишидан далолат бериб турибди.

К. ҲАМРОЕВ.

Рассом Маҳмуд Жўраев чизган расмда тажрибакор звено бошлиғи Д. Одилов акс эттирилган.

Улкан хирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	4,01	72,57	3,96	66,97
Хоразм	2,21	61,91	2,57	38,82
Бухоро	1,94	60,33	1,14	14,08
ҚҚАССР	2,70	54,23	3,05	34,38
Сурхондарё	2,10	50,78	1,56	30,69
Навоий	2,35	48,12	2,26	21,95
Сирдарё	4,33	43,35	4,98	48,68
Наманган	2,10	43,35	1,77	21,18
Андижон	2,12	42,02	1,88	12,47
Фарғона	2,00	40,47	1,59	11,71
Қашқадарё	2,07	39,88	1,61	20,15
Жиззах	3,32	39,36	3,93	41,85
Самарқанд	1,96	38,45	1,29	18,70
Республика бўйича	2,48	48,20	2,40	29,45
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Наманган	3,74	56,42	—	4,53
Навоий	3,03	54,86	5,00	6,50
Сурхондарё	2,92	53,85	2,97	37,57
Қашқадарё	2,55	32,83	1,46	8,76
Бухоро	1,99	32,04	—	—
Республика бўйича	2,78	46,31	2,37	25,03

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИГА — НОМИ ЁЗИЛГАН МУКОФОТЛАР

Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи марказий комитетининг президиуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг донгдор меҳнат ветеранлари номидаги ҳар йиллик пул мукофоти таъсис этди.

Мукофотлар социалистик мусобақа илғорлари— ишчилар, колхозчилар, мутахассислар ва агросаноат комплексининг бошқа ходимларига берилади. Мукофотланганларга «Совет касаба союзлари мукофотининг лауреати» номи берилиб, диплом топширилади.

Касаба союз марказий комитети ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника таъминоти Давлат комитетининг коллегиялари қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида ишлаб чиқаришнинг 115 нафар илғорига номи ёзилган мукофотлар берди.

(ТАСС).

УМУМХИТОЙ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ МАЖЛИСИ ДОИМИЙ КОМИТЕТИГА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИГА

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Хитой Халқ Республикаси эълон қилинганининг 33 йиллиги муносабати билан Хитой меҳнаткашларига совет халқи номидан қутловлар йўллайдилар.

Хитойдаги революциянинг галабаси Хитой халқининг тарихий ютуғи, жаҳон революцион жараёнининг шонли воқеаси бўлди. Хитой меҳнаткашлари чинакам миллий озодлик учун, янги жамият қуриш учун ўзининг узоқ кураши давомида Совет Иттифоқи уларга доимо астойдил ҳайрихоҳлик, мададкорлик билан қаради ва ёрдам берди.

СССР Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни яхшилаш ҳамда шу муносабатларни тинч-тотув яшаш ва яхши қўшничилик принциплари асосида ривожлантириш учун изчиллик билан ҳаракат қилиб келмоқда. Бу эса иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, Осиёда ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришда, ўз миллий фаровонлигини ошириш ишида Хитой халқига чин кўнгилдан муваффақиятлар тилаймиз.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҒАЛАБАНИ МАШИНАЛАР ТАЪМИНЛАЙДИ

30 СЕНТЯБРЬ ЭРТАЛАБИГАЧА РЕСПУБЛИКАДА 2.839.234 ТОННА ПАХТА, ШУ ЖУМЛАДАН, 180.592 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. МАШИНАЛАР БИЛАН ТЕРИБ ОЛИНГАН ЖАМИ ҲОСИЛ 1.154.618 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Ўтган куни 146.557 тонна пахта терилди, шу жумладан 94.338 тонна пахта машиналарда териб олинди. Бир кунда 10.806 тонна ингичка толали пахта тайёрланди, унинг 5.591 тоннаси машиналар бункеридан бўшатилди.

Тошкент ва Сирдарё областларининг азаматлари пахта теришда юксак суръатни давом эттиришяпти. Ўтган куни сирдарёлик механизаторлар 15.435 тонна, пойтахт области механизаторлари 14.439 тонна пахтани машинада териб бердилар.

Сурхондарё

Областда 1,5 мингдан зиёд пахта териш машинаси ишлатиляпти. Ҳар бир агрегатнинг ўртача унуми 3,1 тоннани ташкил этмоқда. **Ленин йўли ва Жарқўрғон районларида бу кўрсаткич 3,6—3,7 тоннага етмоқда.**

Шеробод районидаги Нуриддин Муродов номли совхозидан илғор механизаторлар Омон Маматрайимов ва Муродали Қудратовлар шахсий социалистик мажбуриятини бажардилар. Уларнинг ҳар бири 300 тоннадан пахта теришга сўз беришганди, **бугунгача икки механизатор хирмонга 305 тонна ва 314 тонна хом ашё билан ҳисса қўшди.** Азаматлар терими давом эттиришяпти.

Самарқанд

Большевик районидаги Карл Маркс номли колхозидан ота-бола Эргашевлар областдаги онлавий экипажлар ўртасида ғолиб чиқишди. **Улар бир кунда 18 тонна пахта теришди.** Ота-боланинг бу илги мажбурияти машина билан 450 тонна пахта теришдан иборат.

Пайариқ районидаги «Ленинград» колхозидан Бойназар Қурбоев бошлиқ бригада **районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан хом ашё олинди. Бу ерда ҳосилнинг 90 процента машиналарда териб олинди.** Зокир Ўрозов ва Анвар Сандибоевнинг ҳар бири 80 тоннадан пахтани машинада териб берди.

Иштихон районидаги Ленин номли колхозидан қаҳрамон она Зулфия Исмоилова онласи пахта теримида уюшқоқлик кўрсатяпти. **Улар ўтган куни давлатга 2 тонна «оқ олтин» топширишди.** Бу онланинг мажбурияти мавсумда 50 тонна пахта теришдан иборат.

Фарғона

Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхози механизаторлари Абдураҳмон Мўминов ва Қориёхон Аҳмедовалар йиғим-терим мавсумини зарбдорчасига ўтказишяпти. **Уларнинг ҳар бири кунига 5 тоннадан пахта термоқда.** Илғор механизаторлар мавсум бошидан буён 90 тоннадан «оқ олтин» тердилар. Мусобақадош механизаторлар мавсум охиригача 250—300 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилишган.

Фарғона районидаги Ленин номли колхозидан **Уммат Кўчиев бошлиқ бригада пахта тайёрлаш бўйича йиллик планини бажарди.** 120 гектар қўриқ майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта олинди. **Ҳосилнинг ҳаммаси терим машиналарида саранжом-саришта қилинди.** Механизаторлардан Турсун Айматов, Сотволди Турсунов, Камол Мамедовлар 80—90 тоннадан пахта териб бердилар.

Андижон

Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозида машина терими қизғин. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Маҳамаджон Қўрчиев социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти. **У кунига 10 тонна ва бундан ҳам ошириб пахта тераётир.** Моҳир механизатор мавсум бошидан буён 120 тонна «оқ олтин» терди.

Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор **Соттибой Шокиров терган пахта 150 тоннага етди. У бу йилги мавсумда тўрт қаторли машинаси билан 450 тонна пахта теришга сўз берган.**

Балиқчи районидаги «Правда» колхозининг 4-бригадасида чевар теримчи Олияхон Султонова шарафига байроқ кўтарилди. **У ўтган куни хирмонга 355 килограмм пахта билан ҳисса қўшди, мавсум бошидан буён эса 10 тонна пахта терди.** Олияхон яна 5 тонна дурдона теришга сўз берди. **Умуман Балиқчи районида икки минг теримчи мавсумда 10-15 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган.**

Қашқадарё

Китоб райони деҳқонлари ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажарганлик ҳақида **областда биринчи бўлиб рапорт бердилар. 330 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ишак пахта йиғиштириб олинди.** Пахтакорлар хирмонга қўшимча яна 155 тонна олий нав пахта топширишга ва бу билан ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Нишон районидаги «Ленинград» совхозидан **Қўлдош Дўстмуродов 300 тонна пахта териб ўз шахсий мажбуриятини областда биринчи бўлиб бажарди.**

Хоразм

29 сентябрь куни область далаларида ишлатилган 1.290 та терим машинаси билан 6.433 тонна хом ашё йиғиштирилди. **Боғот ва Хонқа районларида ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми 5,5—5,8 тоннани ташкил этди.**

Механик-ҳайдовчилар ўртасидаги мусобақа пешқадамлари сафида Хива районидаги Беруний номли колхозидан Карим Қутлимуродов, Шовот районидаги «Ленинград» колхозидан Назира Собирова, Боғот районидаги «Коммуна» колхозидан Матёқуб Давлатовлар бор. **Уларнинг ҳар бири мавсум бошидан буён 235—240 тоннадан пахта тердилар.**

Тошкент

Чиноз районидаги Киров номли колхозидан **Ленин мукофоти лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошчилик қилаётган бригада йиллик планини бажарди. Хирмонга 309,1 тонна пахта топширилди. Бригадирнинг ўзи ана шу ҳосилнинг 258 тоннасини териб берди.**

Бўка районидаги Ҳамза номли ва «Ленинизм» колхозлари йиллик планни уддаладилар. Ҳамза номли колхозда ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 33 центнерни, «Ленинизм» колхозида эса 32 центнерни ташкил этди.

Жиззах

Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозда бир кунда йиллик планнинг 9,4 процента миқдорида пахта тайёрланди. **Ака-ука механизаторлар Ғайрат, Фурқат ва Одилжон Носировлар мавсум бошидан буён 400 тонна пахта териб, юксак кўрсаткичга эришдилар.** Онлавий экипаж бу йилги мавсумда 1500 тонна хом ашё теришга бел боғлаган.

Сирдарё

Гулистон районидаги «Октябрь» колхозидан **Ленин ордени кавалери Жаббор Оғалиев бошлиқ бригада азаматлари йиллик планни шараф билан бажардилар. Хирмонга етказиб берилган 446 тонна биринчи сорт пахтанинг 410 тоннаси бункерлардан бўшатилди.** Механизаторлар мусобақасида ўз агрегати билан 120—130 тоннадан пахта терган Жамисар Расулов, Павел Курчанский, Исрофил Азизовлар пешқадамлик қилишяпти.

Наманган

Область деҳқонлари тайёрлов пунктларига 200 минг тонна пахта топширдилар. Бу борада Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Чортоқ районлари пахтакорлари алоҳида намуна кўрсатишяпти.

Уйчи районидаги қўриқ «Гулистон» совхозидан **ВЛКСМ XIX съезди делегати Феруза Абдураҳимова бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси районда биринчи бўлиб йиллик топшириқни бажардилар. 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан биринчи сорт пахта йиғиштириб олинди.** Ферузанинг ўзи 170 тонна пахтани машинада терди. Унинг мусобақадоши Тожиқўзи Тожибоев ўз ҳисобига 90 тонна пахта ёзди. Ёш пахтакорлар ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилишган.

ҚҚАССР

Тўрткўл районидаги Жонбосқалъа массивида шу йил баҳорда ташкил этилган **5-а совхози меҳнаткашлари давлатга пахта топшириш бўйича дастлабки маррадан ўзиндар.** Хўжалик далаларида учта терим-транспорт отряди ишламоқда. Механик ҳайдовчилардан Қодир Ниёзимбетов, Мақсед Баллиев, Тўхтабой Муллаевлар пахта теримида яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. **Уларнинг ҳар бири ўз машиналари билан 9-10 тоннадан «оқ олтин» теришяпти.**

Шу кунларда «қирмизи дон» бунёдкорлари етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ворошилов районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози шоликорлари ҳам комбайнларни юксак унум билан ишлатишга эриш моқда. Бу ерда ҳар гектар ердан 55 центнердан юқори сифатли шоли олинмоқда.

Суратда: илғор шоличилик бригадаси бошлиғи Ш. Аблямитов илғор механизаторлардан А. Коваленко ва Р. Усеннов билан ўрим-йиғим ҳақида суҳбатлашмоқда.

В. Втюрин фотоси. (ЎзТАГ).

ТРАНСПОРТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамиз пахтакорлари она-Ватанга армуғон этаётган «оқ олтин» хирмони йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ҳозирги кунда Иттифоқимизда етиштириладиган жами пахта ҳосилининг учдан икки қисмини республикамиз пахтакорлари етказиб беришмоқда. Пахтачиликда эришилаётган муваффақиятларнинг муҳим омилларидан бири— ирригация ва мелиорация ишларининг кенг ҳамда яхши йўлга қўйилганлигидадир.

КПСС Марказий Комитетининг май (1966 йил) Пленумидан кейин ўтган даврмобайнида республикамизда кенг кўламда мелиорация ва ирригация ишлари амалга оширилди. 1,3 миллион гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Бугунги кунда республикамизда 3,5 миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдон мавжуд.

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида маъқулланган СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида «Қарши ва Жиззах чўлларида ерларни комплекс ўзлаштириш амалга оширилсин» деб алоҳида таъкидлаб ўтилган. Партиямизнинг бу кўрсатмаси ирригатор ва мелиораторлар, шунингдек, мазкур соҳада меҳнат қилаётган барча автотранспорт ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Маълумки, амалдаги бешйилликда республикамизда бирича минг гектарга яқин қўриқ ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш мўлжалланган. Бу ўз навбатида ўзлаштирилган майдонларда қўплаб гидротехник иншоотлар ҳамда ирригация шохобчаларини бунёд этишни тақозо этади. Бу ишларни муддатида ва сифатли амалга ошириш автотранспорт ташкилотларининг меҳнатига ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки сув хўжалиги қурилишларига зарур бўлган бетон, қум, шағал, цемент каби қўплаб қурилиш материаллари асосан автотранспортларда етказиб берилади.

Республикамиздаги қўриқ ерларни ўзлаштириш, бу ерларда гидроиншоотлар, ирригация шохобчалари бунёд этиш, сув таъминотини яхшилаш масалалари билан «Главсредазирсовхозстрой»ўй», Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Узгоскомводстрой» ҳамда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқариш техника таъминоти Давлат комитети коллективлари шуғулланишади. Мазкур ташкилотлар ўзларининг бир қатор автотранспорт корхоналарига эга. Жумладан, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлиги хўжалик ҳисобидаги 27 та автотранспорт ташкилоти, «Главсредазирсовхозстрой»да эса 37 та, «Узгоскомводстрой»да 17 та автотранспорт ташкилотлари мавжуд. Мазкур ташкилотлардаги автотранспортлардан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш сув хўжалиги системасидаги барча объектларнинг муддатида ишга туширилишида, белгиланган план-топшириқларнинг ошириб бажарилишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу боисдан юқоридаги министрликлар системасидаги автотранспорт ташкилотларида аҳвол қандай эканлигини чуқурроқ ўрганиш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, камчиликларни бартараф этиш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Учинчи беш йиллик якуни бўйича олинган маълумотларга кўра Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг автотранспорт ташкилотларида юк ташиш ҳажми 49 процентга, «Главсредазирсовхозстрой»да эса 16,5 процентга ошган. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти Давлат комитетига қарашли автотранспорт ташкилотларида ҳам бу кўрсаткич яхши бўлган. Бироқ юқоридаги министрликлар системасидаги бир қатор автотранспорт корхоналарида ташилаётган юк таннархи ошиб кетмоқда. Автомобилларнинг бекор туриб қолиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Капитал-ремонт ишлари чўзилиб кетмоқда. Албатта бу нуқсонлар мавжуд автомашиналардан самарали фойдаланиш имконини бермаяпти. Бундан ташқари ҳалигача йиллик юк ташиш ҳажми 1 миллион тоннага ҳам етмайдиган автокомбинатлар мавжуд.

Автотранспортдан фойдаланишни яхшилашнинг муҳим омилларидан бири ихтисослаштиришдир. Айниқса, машиналарни юк кўтариш қувватига кўра колонна ва бригадаларга бўлиш катта самара беради. Республикамиздаги ихтисослашган йирик автотранспорт ташкилотларининг иш тажрибаси ҳам бу борада катта резерв ва имкониятлар борлигини кўрсатмоқда. Ана шундай автотранспорт корхоналарида меҳнат унумдорлигининг юқори бўлаётганлиги ҳам, ташиладиган юклар таннархининг арзонга тушаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг яна бир резерви ихтисослашган транспорт воситаларидан оқилона фойдаланишдир. Биргина мисол. Сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация шохобчаларини бунёд этаётган ташкилотларда оз юк ташиш қувватига эга бўлган машиналар ниҳоятда кам. Натижада аксарият ҳолларда 1—2 тоннагача бўлган юклар ҳам 3 тонна юк ташиш қувватига эга бўлган автомашиналарда манзилга етказилмоқда. Бу ўз навбатида транспорт ҳаражатларининг кўпайишига олиб келяпти. Кўп йиллик тажрибалар жойлардаги автотранспорт ташкилотларида кам юк кўтариш қувватига эга бўлган автомобиллар салмоғини бир мунча ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари сув хўжалиги ҳамда ирригация ва мелиорация шохобчаларини бунёд этаётган ташкилотларнинг юкларини ташишда самосвалларга бўлган эҳтиёж бир мунча қаттадир. Бироқ, бу борада аҳвол унчалик кўнгилдагидек эмас. Чунки, сув хўжалиги системасидаги мавжуд жами автотранспортнинг бор-йўғи 24,1 процентини самосваллар ташкил этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бир қатор автотранспорт корхоналаридаги машиналарнинг турли сабабларга кўра бекор туриб қолишлари, шунингдек, капитал ремонт ишларига кўп вақт сарфланиши ҳам автомобиллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг олдини олиш учун даставвал автомашиналарни ремонт қиладиган ташкилотларни республика территорияси бўйлаб тўғри жойлаштиришга эришиш даркор.

Тўғриси, тадқиқотлар қўйгина авторемонт корхоналарининг қуввати жойларда машиналарни тез ва сифатли ремонт қила олиш имкониятига эга эмаслигини кўрсатмоқда. Натижада эса кўп ҳолларда транспорт воситаларининг бекор туриб қолишига йўл қўйиляпти. Бу ўз навбатида белгиланган план-топшириқларнинг бажарилишига, объектларнинг ишга туширилишига, меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасида авторемонт ташкилотлари машиналарни тез ва сифатли ремонт қилиш имкониятига ва қувватига эга бўлмаганлиги туфайли 1978—1980 йилларда анчагина ишчи кучи йўқотилган.

Автотранспорт халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. Халқ хўжалик юкларининг 65—70 процента автотранспортларда ташилишининг ўзи ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозимлиги партия XXVI съезди тарихий қарорларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Автотранспортдан фойдаланишни янада яхшилаш республикамиздаги муҳим қурилиш объектларининг, ирригация шохобчаларининг муддатида ишга туширилишига, бу эса мингларб гектар қўриқ ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини беради. Шу боиса сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация шохобчаларини бунёд этаётган ташкилотлар ўзларига қарашли автотранспорт корхоналарининг ишларини тўғри планлаштиришлари, юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун бутун чора-тадбирларни кўришлари лозим.

С. ХУЖАЕВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти социалистик қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш ва экономикаси кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор

Т. МАРТИНЕНКО,
кафедра ассистенти.

ХАЗИНАЛАР КАЛИТИ

— «Етти хазинанинг бири — парранда» деб бежиз айтишмаган, — дейди Комсомолобод районидаги «Дўстлик» совхози партия ташкилотининг секретари Холмамат Солиев биз билан суҳбатда. — Шунинг учун ҳам товуқбоқарларимиз «хазина калити»ни қўлга киритиш ва меҳнаткашлар дастурхонини мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари билан безатиш учун баракали иш қилмоқдалар.

Совхознинг паррандачилик фермасига етиб келганимизда Бўронбой Тоймирзаев жўжаларга дон тарқатаётган экан. Ярим гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ферма «қушлар бозори» авж олган эди.

Бўронбой ака бизни кўрди-ю, қўлидаги бўшаб қолган дон идишини бир четга қўйди-да, овқатланаётган парандаларга халақит бермайин дегандай уларни четлаб ўтиб келди. Суҳбатимиз парандабоқарларнинг бу йилги план ва мажбуриятлари ҳақида кетди.

— Ҳозир фермамизда икки мингта товуқ ва уч мингта жўжа боқилмоқда. Биз уларни рацион асосида парвариш қилмоқдамиз. Айниқса, ёш жўжаларга алоҳида эътибор билан қараяпмиз. Бу йилги планимиз товуқлардан 180 минг дона тухум олишдир. Ярим йилликда 90 мингдан ошириб бажардик. Йил охиригача эса ўз зиммамизга олган мажбуриятларимизни шараф билан бажарамиз.

Партия ташкилотининг секретари билан биргаликда ферманинг шаронти билан танишдик: атрофи сим тўсиқ билан ўралган алоҳида жойда жажжи жўжалар боқилмоқда.

— «Жўжани кузда сана» деган иқол бор, — дейди биз-га товуқбоқар Бўронбой ака. — бу гапда ҳақиқат бор, айниқса, тухумдан чиққан янги жўжалар жуда ҳам нозик бўлади. Уларни парвариш қилиш одамдан зийракликни талаб қилади. Аввало инсон ўз касбига фидойи бўлиши керак, қарамоғида боқилаётган жўжаларга яхши қарамаса унда кўпроқ нобудгарчиликка йўл қўйган бўлади. Бизда нобудгарчиликка чек қўйилган. Ҳисобдаги ҳар бир жўжани соғлом ўстириш учун бор имкониятларимизни ишга солямиз.

Коммунист Бўронбой Тоймирзаевни ўз касбининг фидойиси деса бўлади. У ўз қарамоғидаги парандаларни меҳр билан парвариш қилиш, уларнинг сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. 1983 йилга бориб фермада товуқлар сони 4 мингга кўпаяди.

Қ. АБДУЛЛАЕВ.

„Ҳақиқати“ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЧОРВА ТУЁҒИ НЕГА СУСТ КЎПАЙМОҚДА»

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг шу йил 15 август сонида «Чорва туёғи нега суст кўпаймоқда» деган танқидий мақола эълон қилиниб, унда Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида зарбдор тармоқдаги нуқсонлар кўрсатилган эди. Редакция мазкур мақола юзасидан қуйидаги жавобни олди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ:

Автоном республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги мақолада кўрсатилган камчиликларни эътироф этиб, газета танқидини тўғри деб ҳисоблайди. Мазкур мақола Қорақалпоғистон АССР зооветеринария мутахассислари кенгашида муҳокама қилинди. Унда республикада молларни бўрдоқига боқишга етарли эътибор берилмаётганлиги, оқибатда давлатга ориқ моллар топширилаётганлиги таъкидланди. Бу йил молларни бўрдоқига боқишнинг аҳволи бирмунча яхшиланди. Давлатга 1 сентябргача 10.303 бош қорамол сотилган бўлса, уларнинг ҳар бири ўртача 336 килограмм тош босди. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни Тўртқўл райони колхоз ва совхозларида 415 килограмм, Беруний районида — 352, Нукус районида — 351, Элликқалъа районида — 350, Кегайли районида — 349, Амударё ва Тахтакўпир районларида 345 килограммдан тўғри келди.

Келгуси йилдан бошлаб молларни бўрдоқига боқиш асосан иккита йирик комплексда амалга оширилиш кўзда тутилаяпти, бу қайта ишлаш саноатига қорамолларни 350 килограмм ва ундан кўп вазнда топшириш имконини беради.

Насл олишнинг туб сабаблари ҳар тарафлама таҳлил этилганда шу нарса маълум бўлдики, қисир қолган сигирларнинг асосий қисми яхши парваришланмаганлиги, талаб даражасида боқилмаганлиги туфайли насл бермаган. Бу камчиликларни бартараф этишга фақат зооветеринария ходимларигина эмас, балки биринчи навбатда хўжаликларнинг раҳбар ҳамда мутахассислари ҳам масъулдирлар. Шунингдек, Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва Қорақалпоғистон давлат наслчилик корхонаси мутахассислари зиммасидан ҳам масъулият туширилмайди.

Автоном республикада кейинги пайтларда подаларни тўлдириш масаласига алоҳида эътибор берилаяпти. Шу йилнинг молларни сунъий қочириш масаласи бўйича республика кенгаши ўтказилди, шунингдек насл берувчи моллар қисир қолишининг олдини олиш, наслчилик ишлари ва сунъий қочириши яхшилаш масалалари бўйича районларарo семинарлар бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг етакчи олимлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг чорвачилик мутахассислари ҳамда раҳбар ходимлар иштирок этишди.

Моллар қисир қолишини тугатиш ва насл олишни яхшилаш учун Автоном республика колхоз ва совхозларида каммахсул сигирлар ҳамда икки ёшдан ўтган бузоқлар махсус группаларга ажратилган. бу ерда улар қўшимча озиқлантирилади.

Амалга оширилаётган тадбирлар туфайли шу йил 1 сентябргача олинган бузоқ сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1705 бош кўпдир. Ҳар юз бош урғочи молдан насл олиш 6 бошга кўпайди, айни пайтда 8740 бош кўзи кўп олинди.

Молларни сунъий қочиришни яхшилаш бўйича кўплаб ишлар қилиняпти. Бунда техник-осеменаторлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Тошкент областидаги «Чиноз» совхози қошида ташкил этилган бир ойлик курсларда колхоз ва совхозлардан қариб 80 нафар техник-осеменатор тайёргарлик курсини ўтаб қайтди. Йил охиригача хўжаликлардаги барча осеменаторлар ўз малакасини оширади. Сунъий қочириш бўйича 40 та типовой пункт қурилди.

Моллардан сут соғиб олишни кўпайтириш бўйича чоралар амалга оширилмоқда. Ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 140 килограмм кўп бўляпти. Қораўзак районида бу кўрсаткич 161 килограммни ташкил этмоқда. Ленинобод ва Кегайли районларида ҳам сут етиштириш кўпаймоқда.

Мақолада «Ленинизм», Ильич номли ва «Аспантой» совхозларида бузоқ олиш яхши эмаслиги танқид қилинганди. Ҳозирги пайтда бу хўжаликларда аҳвол бирмунча дуруст. Мазкур хўжаликлар йил охиригача насл олиш планини бажаришни кўзда тутишяпти.

Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги районлар ва хўжаликларнинг зооветеринария мутахассисларига мазкур мақолани ҳамма жойда муҳокама қилиш ва чорвадорларнинг куч-ғайратини кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга йўналтиришни топширди.

О. АШИЛОВ,
Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР

Халқаро муносабатларни нормаллаштириш, кескинликни юмшатиш, тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш — булар Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати. КПССнинг халқаро фаолияти бўйсидирилган олижаноб мақсадлардир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқини шарҳлашни давом эттираётган чет эл оммавий ахборот воситалари шу фикрни таъкидламоқдалар.

Ҳозир империалист доиралар дунёни ядро ҳалокати жаҳаннамига йўлиқтиришга уринаётган бир шароитда Совет раҳбари қуролсизланиш ва ўзаро ишонч сиёсатини амалга оширишнинг ҳаётий зарурлигини яна бир бор қатъият билан уқтириб ўтди, деб таъкидлайди Польшанинг «Трибуна люду» газетаси.

Братиславада чиқадиган «Правда» газетаси Л. И. Брежнев нутқини инсоният олдида турган актуал масалаларга берилган реалистик жавоб деб атайди. Совет раҳбарининг Бокуда сўзлаган нутқида халқаро вазият чуқур анализ қилибгина қолинмай, шу билан бирга кескинликни реал юмшатишга эришишнинг конкрет йўллари ҳам белгилаб берилди.

Л. И. Брежнев И. Ганди билан ўтказилган музокараларнинг якунларига берган юксак баҳо Ҳиндистонни қувонтирмоқда, деб ёзади Ҳиндистондаги «Нью Уайв» ҳафталик газетаси. Ҳиндистон Бош министрининг СССРга визити иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларида янги босқич бўлиб қолди. Олий даражадаги Совет — Ҳиндистон музокараларининг натижалари ер юзида тинчлик иши учун, қуролланиш пойгасига қарши курашда гоят катта аҳамиятга эгадир. Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисида Москвада эришилган аҳдлашувлар империалистик давлатларнинг Ҳиндистонга нисбатан янги мустамлакачилик кирдикорларига зарба беришга, унинг миллий экономикасини мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

«Совет раҳбарининг Бокуда сўзлаган нутқи янги урушнинг олдини олиш СССР ташқи сиёсатининг энг асосий мақсади эканлигини кўрсатувчи яна бир аққол далилдир». — деб ёзади Ливаннинг «Ас-Сафир» газетаси.

«Жорнал ди Ангола» газетаси ёзади: Л. И. Брежнев империализмнинг найрангларини фош қилди. Империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсати ёрдамида араб мамлакатлари, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари сафларидаги нифоқни чуқурлаштиришга, Ғарб давлатларининг мустамлакачилик манфаатлари йўлида Америка давлатлари ташкилотидан фойдаланишга уринмоқда. СССР раҳбари шуни яна бир бор таъкидлайдики, Совет Иттифоқи Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тинч ҳамкорлигини, бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашнинг, Африка Бирлиги Ташкилоти, Араб Мамлакатлари Иттифоқи ва шу каби ташкилотлар обрў-эътибори ва самарадорлиги мустаҳкамланишининг актив тарафдоридир.

Финляндия парламентининг депутати **Сеппо Тойвиайнен** қуйидагиларни айтди: Л. И. Брежневнинг Бокуда сўзлаган нутқи тинчлик учун кураш СССР учун биринчи даражали мақсад эканлигини яна бир карра исботлайди. Совет Иттифоқи ўзи бунёдга келган дастлабки кунлардан бошлабоқ тинчликка эришиш учун изчиллик билан ҳаракат қилиб келмоқда. Совет Иттифоқи халқаро майдонда ядро ҳалокатининг олдини олиш учун курашга етакчилик қилмоқда. Бу курашда барча тинчликсевар мамлакатлар, бутун дунёдаги кўп миллионли халқлар оммаси унинг иттифоқчиларидир.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СОФИЯ. Болгариянинг Софиядаги энг катта Кремиков металлургия комбинатида «1700» прокат стани тўхтатиб қўйилди. Қурувчи ва монтажчилардан 2500 киши прокат станини реконструкция қилиш ишларини бошлаб юборди. Бунинг натижасида стан ўз унумдорлигини анча ошириши, пўлат лист сифати яхшиланиши керак. Болгария мутахассисларининг ҳисоблаб чиқишларича, реконструкциядан кейин бир йилда олинадиган иқтисодий самара 8 миллион левликдан ошиб кетади.

Ятанни янгилашда Совет мутахассислари ёрдам бермоқдалар. Реконструкцияни амалга оширишда ўнлаб Совет лойиҳа институтлари қатнашмоқда, асбоб-ускуналарни эса СССРдаги кўплаб заводлар етказиб бермоқда.

ЛОНДОН. Бугун мамлакатнинг энг катта шаҳарларида минглаб кекса инглизлар «Пенсионерларнинг ҳаракат куни»ни Англия пенсионерлар миллий конвенцияси билан Британия Тред-Юнионлар конгресси уюштирди.

Ҳаракат кунининг асосий мақсади мамлакатдаги меҳнат ветеранларининг қашшоқ аҳволига жамоатчилик эътиборини жалб этишдир.

БУЭНОС-АИРЕС. Уругвайдаги сиёсий маҳбуслар-нинг қариндош уруғлари бу мамлакатда ҳукмрон бўлган ҳарбий хунта сиёсатини қаҳрғазаб билан қораладилар. Улар Уругвай ватанпарварларига ва демократик жамоатчилигига мурожаат қилиб, турмаларда азоб чекиб ётган маҳбуслар ҳаётини ҳимоя қилишга даъват этдилар.

Улар тарқатган баёнотда уқтириб ўтиладики, турмалардаги сиёсий маҳбусларга қаттиқ азоб берилмоқда, натижада улар аҳлдан озмоқдаёки ўз-ўзларини ўлдирмоқдалар. Сўнгги кунлардагина қамоқхона ходимлари қўлидан маҳбуслардан уч киши ҳалок бўлди, баъзи кишилар майиб-мажруҳ бўлди, кўпчиликнинг аҳволи гоят оғир.

НАЙРОБИ. Электр алоқа халқаро иттифоқининг бу ерда очилган конференциясида жаҳондаги 157 мамлакат делегатлари иштирок этмоқда.

Конференция очилишида нутқ сўзлаган Кения президенти Даниэль Арап Мои бундай учрашув Африка диёрида биринчи марта ўтказилаётганлигини таъкидлади. У алоқа соҳасида қитъадаги мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни ёқлаб чиқди.

ТОКИО. Япония касаба союзлари Бош кенгашининг Бош секретари М. Томидзука меҳнаткашларга мурожаат қилиб, Япония ҳукуматнинг давлат муассасалари ва корхоналари ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақини оширмаслик тўғрисидаги қарорига умуммиллий стачка билан жавоб беришга чақирди. У Хиросимада сўзлаган нутқида Япония касаба союзлари Бош кенгашининг раҳбарлиги Бош министр Д. Судзукининг халққа зид иқтисодий сиёсатига қарши меҳнаткашлар намойишларининг кенг программасини ишлаб чиқ-қанлигини маълум қилди. Бу программада оммавий намойишлар, митинглар, забастовкалар ўтказиш кўзда тутилган.

КАНБЕРРА. Брисбенда «Ер учун ҳуқуқ берилишини талаб қиламиз» шиори остида Австралия аборигенларининг уч минг кишилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари шаҳарнинг марказий кўчалари ва майдонларидан юриб ўтганларидан кейин оммавий митинг уюштирдилар. Митингда сўзга чиққан нотиқлар қитъа туб аҳолисининг қонуний талабларига қулоқ солишни истамаётган ҳукуматнинг иркчилик, камситувчилик сиёсатини кескин танқид қилдилар.

(ТАСС).

Совет Иттифоқи билан Бразилия ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Сан-Франсиск дарёсида СССР ёрдами билан бунёд этилган «Собрадиньо» гидроэлектростанцияси ана шу ҳамкорликнинг ёрқин тимсолидир.

Мазкур ГЭСдаги СССР тамғаси босилган ускуналар юксак унум билан тўхтовсиз ишламоқда. Нурхонанинг олти энергоблоки саноат тармоқларини ҳамда мамлакатнинг шимоли-шарқидаги шаҳарларини электроэнергия билан таъминлаб турибди.

Ю. Беспалько фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

БУЭНОС-АИРЕС. (ТАСС). Аргентина аграр федерациясининг (ААФ) бу ерда бўлиб ўтган 70-йиллик съездида муҳим проблемалар муҳокама этилди. Съезд ишида мамлакатнинг майда ва ўрта ҳол заминдорлар вакиллари бўлган уч юздан кўп делегат иштирок этди.

Съезд делегатлари Аргентинанинг қишлоқ хўжалигида вужудга келган танг аҳволга алоҳида эътиборни жалб этдилар. Улар баъзи бир доираларнинг халқаро валюта фондига ёрдам беришга уринаётганликларини қоралидилар. Халқаро валюта фондига ёрдам бериш эса меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини камситувчи бир қанча шартлар билан изоҳланади.

Делегатлар мамлакатдаги турмушни демократлаштиришга қаратилган сиёсат ўтказилишини ёқлаб чиқдилар. Съездда ерни олди-сотди қилишга чек қўйиш ва латифундияларни тугатиш чораларини кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

КЕСКИН ТАНҚИД

НЬЮ-ИОРК. Таниқли сиёсий шарҳловчи Ж. Рестон «Нью-Йорк таймс» газетаси саҳифаларида Рейган маъмурияти ўтказаётган сиёсатни кескин танқид қилди. Президентнинг ваъдаларига қарамай, деб ёзади Рестон, молия йили федерал бюджетнинг жуда катта камомати билан тугамоқда.

Чет элларда, деб уқтиради шарҳловчи, Рейганнинг фаолияти натижаларидан қаноат ҳосил қилмаяпти. Ҳозирги вақтда АҚШнинг НАТОдаги иттифоқчилари илгаригига нисбатан Рейган ҳокимият тепасига келгандан кейин Вашингтондан кўпроқ норози бўлмоқдалар.

Рестон Оқ уйнинг ҳозирги бошлиғи ўтказаётган сиёсий йўл асоссиз эканлигини уқтириб, иқтисодий программа амалга ошмайди ва президент савдо-иқтисодий муносабатлар соҳасида ўзининг камситувчи тадбирлари билан Совет Иттифоқини чўнита олмайди, деган хулосага келади. (ТАСС).

БРИТАНИЯ ЛЕЙБОРИСТЛАРИНИНГ ФИКРИ

БЛЭКПУЛ. Британия лейбористлари Англияда ядро қуролига ўрин йўқ, деган фикрни билдирмоқдалар. Лейбористлар партиясининг бу ерда ўтаётган йиллик конференцияси делегатлари қабул қилган резолюцияда улар Англиянинг «бутун дунёда кўп томонлама қуролсизланиш йўлидаги қадам» сифатида бир томонлама ядро қуролсизланишига эришишга қатъий қарор берганликларини маълум қилдилар. Лейбористлар ҳаракати Британия сув ости флотини «трайдент» ядро ракеталари билан таъминлашга қарши, мамлакатда Американинг қанотли ракеталари, нейтрон бомбалари, ядро қуролининг бошқа ҳар қандай турлари жойлаштирилишига қарши фикр билдирилди. Буюк Британиянинг ҳарбий бюджети анча қисқартирилиши зарурлиги, Европада ядросиз зона вужудга келтирилиши учун кураш керaклиги айтиб ўтилди.



Марв майдонда синалади



ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲИММАТИ

ФОТОРЕПОРТАЖ

Шу кунларда пахтазор чинакам мардлар майдонига айланган. Ҳар бир фурсатни ғанимат билиб, суръат отига қамчи босиб ишлаётган деҳқон ғолиб чиқади. Биз буни Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоз далаларида бўлганимизда яна бир бор ҳис этдик.

Шакар Қурбонтоев раҳбарлик қилаётган бўлим пахтакорлари ҳамиша пешқадамлар сафидан ўрин олиб келган. Чўлқуварлар бир пайтлар оппоқ шўр бўлиб қақраб ётган бу ерларда пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келяптилар. Ўтган йили заршунослар 22 центнер ўрнига 27 центнердан ошириб хирмон кўтарган эдилар. Улар юбилей йилида 328 гектар экин майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

— Бўлимимиз «оқ олтин» бунёдкорлари йиғим-теримни тез суръатлар билан олиб бормоқдалар, —деди бўлим бошқарувчиси Ш. Қурбонтоев биз билан пахтазор ораларкан. —Ҳосил фақат машиналар билан терилмоқда. Ипатовликлар методи асосида ташкил этилган иккита терим-транспорт отрядига бирлашган 12 та «заигори кема» юқори унум билан ишлатиляпти.

Кўсаклар бодроқдай очилган оппоқ пахтазорда терим машиналари шитоб билан сузиб юрибди. Агрегатларни моҳирлик билан бошқараётган механизаторларнинг ҳар бири юбилей йилида зиммага юксак мажбуриятлар қабул қилишган. Бозор Сандибоев ва Шотемир Рисбековлар бўлим «заигори кема» капитанлари орасида энг кўп —200 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилганлар. Тўлан Нишонов ва бошқалар эса 160—180 тоннадан «оқ олтин»ни «пўлат этак»лардан тўкишга сўз беришди.

Холбой Эгамов бошлиқ бригада бўлимдаги юқори ҳосилли коллективлардан ҳисобланади. Азаматлар бу йил пландаги 32 центнер ўрнига 38 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида фидокорона тер тўкишли. Айни кунларда пайкаллардаги мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари тезкорлик билан давом этмоқда. Ҳар бир пахтанинг қадрига етиб, терим агрегатлари қувватидан тўлиқ фойдаланаётган механизаторларнинг ҳиммати туфайли иш унуми ортиб, хирмонга барака кирмоқда. Машиналар шарофати билан сурьат ошиб, кунига 7—8 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Шунингдек, юбилей йилида ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга бел боғлаган Абдураззоқ Ҳасанов бошлиқ бригада далаларида ҳам йиғим-терим авжида. Бу ерда ҳам механизаторлар бир-бор грамм пахтани сира нобуд қилмай, сифатли саранжомлаб олиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

—12 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этишни ният қилганмиз, —дейди совхоз директори Азиз Саидқулов биз билан суҳбатда. —Ялпи ҳосилнинг 95 процентини «пўлат этак»лардан тўкиш мўлжалланган. Шу мақсадда 10 та терим-транспорт отряди тузилган. 20 та терим-транспорт звеносидан иборат бу отрядлар ихтиёрига 110 та терим агрегати ва старли миқдорда транспорт тракторлари ҳамда ишчи кучи берилган.

Совхознинг Бозорбой Сариев етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари СССРнинг 60 йиллигига 60 центнердан ҳосил етиштириш ташаббусига қўшилганлар. Қўзибой Оллебердиев, Ҳусан Шовлимов, Исканлар Набиев ўртоқлар бошлиқ коллективларда эса 50 центнерлик маррани эгаллаш учун нураш кетяпти.

—Механик-ҳайдовчилардан Амина Калимуллина, Қўлдош Турлибеков, Неъмат Шодоновлар йиғим-теримнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлишаётир. Ўзаро беллашиб ишлаётган бу механизаторларнинг ҳар бири ўз агрегатлари билан кунига 6—9 тоннадан пахта териб тўкишга эришяпти.

Хўжалик заршуносларн пахта тайёрлаш йиллик планини 5 октябргача ошириб уддалаш учун қурашмоқдалар. Шу кунларда қабул пунктларига кўплаб «оқ олтин» етказиб берилаётганлиги туфайли зафар марраси тобора якинлашмоқда.

Э. ИБРОҲИМОВ.

Суратларда: 1. Илғор механизатор Бозор Сандибоев. 2. Бўлим бошқарувчиси Шакар Қурбонтоев ва илғор бригада бошлиғи Тоштемир Рисбековлар пахта сифатини кўздан кечиришяпти. 3. Пахтазорда машина терими пайти.

А. Тўраев фотолари.

ХИРМОН ЮКСАЛМОҚДА

Куз фаслида дала кезишнинг ўз гашти бор. Чаноқларда чамаи-чаман бўлиб очилган пахталар қуёш нурида товланиб кўзни қувонтиради. Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхозининг Умарали Қаюмов етакчилик қилаётган бригадасининг пахтазорлари киши қалбини тўлқинлантиради. Кўз илғамас чексиз далаларда меҳнат симфонияси баралла янграмоқда. Дала шийпони ёнидаги картага етиб келганимизда бригада бошлиғи Умарали Қаюмов бизни илиқ кутиб олди. Қисқагина салом аликдан сўнг бригада бошлиғидан бу йилги ишлари, пахта йиғим-терининг бориши тўғрисида сўралик.

—Бригадамиз заршуносларн юбилей йилида 59 гектар майдонга барака уруғи қадаб, ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга азму қарор қилишган, — дейди бригада бошлиғи. — Пахтамиз бу йил мўл бўлди. Биз албатта давлатга мўлжалдагидан ҳам кўпроқ «оқ олтин» етказиб берамиз.

Биз бригада даласини кўздан кечирдик. Бу ерда кўпмингкилограммчилар мусобақаси авжига чиққан. Ўзаро беллашувда бригаданинг чевар теримчиси Малика Мақсудова байроқдорлик қиляпти. У кунига 280—300 килограммдан ошириб дурдона териб, бригада хирмонига тўкмоқда. Бу илғор теримчи мавсумда 15 тонна пахта териш мажбуриятини олган.

Бригада заршуносларнинг шу кунларда амалга оширяётган ишларидан мамнун бўлиб, кўпни бригада даласига ўтдик. Бу ерда ҳам пахта йиғим-терими қизғин. Хайитбой Тошназаров бошчилик қилаётган бригада аъзолари бу йил 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш йўлида фидокорлик намуналарини кўрсатишяпти. Ўктамҳон Ахмедова, Матлуба Олимова каби ўнлаб илғор теримчилар ўзаро беллашиб меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Мамажон Тожибоев етакчилик қилаётган звенода йиғим-терим суръати кун сайин ортиб бораяпти. Бу звено аъзолари юбилей йилида 12 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан жавоҳир етказиб бериш ниятиёқида мардонавор меҳнат қилишяпти.

Хўжаликдаги 19 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида етиштирган «оқ олтин»ни тез ва соз теріб олиш учун барча имкониятлар ишга солинаётир. Колхоз пахтакорлари бу йил 1935 гектар ерининг ҳар гектаридан 35 центнердан, жаъми она-Ватанга 4 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга сўз берганлар.

Бу ерда ҳар йили машина теримига ҳам жиддий эътибор бериб келинади. Бу йил хўжалик механизаторлари 646 гектар майдондаги ғўзани машинабоп қилиб ўстиришди. Машиналар ёрдамида 2 минг 600 тонна «оқ олтин» саранжомлаб олиниб, йиғим-терим ипатоволиклар методи асосида ташкил этилади. Шу мақсадда 3 та йиғим-терим отряди тузилиб, улар ихтиёрига 10 та пахта териш машинаси, 18 та тележка, 7 та кўрак ўзиш, 11 та кўсак чувиш агрегатлари берилди.

Сотволди Сатторов, Фозилжон Қурбонов, НиШонбой Йўлдошев, Абдурахмон Тошпўлатов, Анваржон Турдибоев, Султонбой Ҳусанов, Эркинбой Қорабоев каби «пўлат от» суворийлари бу йил терим агрегатлари бункерида 280—400 тоннадан дурдона теріб тўкишга аҳд қилганлар.

Биз колхоз меҳнаткашлари учун яратиб берилган шароитлардан мамнун бўлдик. Бу ерда 2 та доимий, 18 та мавсумий болалар боғчалари намунали ишлаб турибди. Уларнинг ишидан колхоз чи оналар беҳад хурсанд. Мавжуд 21 та дала шийпони дид билан безатилиб, улар колхозчиларнинг ҳақиқий дам олиш ошиқхонасига айлантирилган. Кўчма кутубхона, сотувчисиз дўконлар пахтакорлар хизматида. Шунингдек, Мамадали Худойберганов бошлиқ колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари ҳар куни график асосида илғор бригада аъзоларига тушлик пайтида концертлар қўйиб беришяпти.

Пахтани сира нобуд қилмай, йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб борилаётганлиги туфайли терим суръатига суръат қўшилмоқда. Колхозда пахта теримига тўла сафарбарлик эълон қилинган. 110 нафар коммунист ва 320 нафар ВЛКСМ аъзолари мусобақада илғорлик намуналарини кўрсатишмоқдалар. Шу кунларда 1200 нафар теримчи йиғим-теримда иштирок этяпти.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Шу кунларда Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги ходимлари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга ошириш учун қизғин курашмоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида республикамизнинг кўплаб илғор қишлоқ хўжалиги ходимлари кўпчиликка намуна бўлишди. Улар зиммадаги топшириқларини ортиғи билан бажардилар. Шу муносабат билан 29 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида республика қишлоқ хўжалиги илғорларидан бир группасига мукофотлар топширилди. Мукофотланганлар орасида Бухоро область Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Ё. Нормуродов, Наманган область Косонсой районидаги «Правда» колхозининг сувчиси Д. Омонов, Самарқанд область Самарқанд районидаги «Москва» колхози сут соғувчиси Т. Ўрунова, Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» тажриба ишлаб чиқариш хўжалиги пахтачилик звеноси бошлиғи Т. Қиргизбоева, Тошкент область Бўстонлиқ районидаги «Қизилтув» колхози сабзавотчилик бригадаси бошлиғи К. Назарбеков, Хоразм область Хонқа районидаги Й. Охунбоев номли колхоз тракторчи-машинисти, Ленин ордени, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Б. Очилов ўртоқлар бор. Бу пешқадамларга «Москвич» автомашинаси топширилди. Уларга виставканинг биринчи даражали дипломлари ҳам берилди.



Қишлоқ хўжалигининг яна 12 илғор ходимига «Урал» мотоцикллари тантанали равишда топширилди. Кўплаб пешқадамларга виставканинг дипломлари берилди. Ё. Нормуродов, Т. Ўрунова, Т. Қиргизбоева, Д. Омонов мукофотланганлар номидан гапириб, бундан буён ҳам ишлаб чиқаришда катта ютуқларга эришишга аҳд қилишди. Улар шонли юбилейга улкан меҳнат совғалари билан тўёна тайёрлаймиз, деб ваъда беришди.

Ш. ҲАБИБОВ.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси мукофотига сазовор бўлган бир группа илғорлар.

А. Тўраев фотоси.

ПЕШҚАДАМЛАР

СССРнинг 60 йиллик юбилейи йилида мавжуд 1000 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилган Косон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг тажрибали деҳқонлари йиғим-теримни тобора авж олдирмоқдалар. Айни кунларда 200 дан ошиқ киши белига этак боғлаб пахтазорда жавлон уряпти.

Колхознинг 45—50 центнерчи Ҳайдар Келдиёров, Эшим Иноқов, Пина Қўчимов, Нормон Мўминов бошлиқ бригадаларида айниқса, йиғим-терим ишлари намунали ташкил этилган. Далада барча ишлар намунали ташкил этилганлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Ҳар кунн хўжаликда йиллик топшириқнинг 2—3 процентн миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Ж. МУҲИСИНОВ.

ПАХТАКОР ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Тонг отмай сен томон юргим келади,
Юракда бор меҳрим бергим келади.

Фахрим-ифтихорим, шонимсан пахтам,
Сен билан кўкракни кергим келади.

Олтин денгизингда сузиб бир нафас,
Меҳнат-бахт гаштини сургим келади.

Чеварлар сафида бўлиб пешқадам,
Дилдан завқим тошиб тергим келади.

Мақсадим: пойингни она-заминда,
Бошингни Қуёшда кўргим келади.

Набижон МАМАДАЛИЕВ.
Фарғона.

ТОЗАЛИК—СОҒЛИК ГАРОВИ

Республикамиз далаларида олти миллион тонналик хирмонни тезроқ тиқлаш учун кураш авж олмоқда. Тўғри, ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олинади. Шу билан бир қаторда, минглаб теримчилар, ҳашарчилар уруғлик пахтани, тўкилган ҳосилни йиғиштириб олишда қатнашадилар. Уларнинг соғлиғи ҳақида қайғуриш, зарур бўлганда тиббий ёрдам кўрсатиш биз, медицина ходимларининг бурчидир. Шу боисдан ҳам барча дала шийпонларида кўчма лорихоналар, санитария постлари ташкил этилиб, механизатор ва теримчиларга ёрдам берилмоқда. Бундан ташқари далада ишлаётганларнинг ўзлари ҳам тозаликка риоя қилишлари, гигиена қоидаларини сақлашлари лозим. Маълумки, механизатор ва теримчиларнинг кун бўйи ҳаракат қилишлари натижасида қўллари, юзларига чанг ўтириб, кир бўлади.

Бундан ташқари, ҳар бир пахтакор кунига бир неча марталаб энгашиб ростланади, бармоқларини ҳаракатлантиради. Бу ўз навбатида бармоқларнинг чарчашига, пай чўзилишига сабаб бўлиши турган гап. Қуёш нури, шамол, совуқ ҳаво ва иш таъсирида қўл териси қуриши ёрилади, шилиниб яраланади. Натижада тери орасида йирингли касалликлар пайдо қилувчи микроблар осонлик билан ўтади. Айниқса, механизаторларнинг кафтлари қалинлашиб, ғадир-будир бўлиб қолади, қадоққа айланади. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир теримчи ва механизатор ҳар куни ётишдан олдин қўлини, юзини илиқ сувда атир совун билан ювиб, терини, пайларни юмшатувчи ҳамда майинлигини сақловчи вазелин, глицирин, ланолин суртиб ётиш лозим.

Пахта йиғим-теримида қатнашаётганлар учун барча гигиеник шароитларни яратиб бериш кўпроқ хўжалик раҳбарларига боғлиқ. Пахта териш машинаси ишлаган далаларда жуда кўп чанг ажралиб чиқади, бу эса нафас йўлларига ёмон таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун нафас респираторларидан фойдаланиш керак.

Ҳар бир механизатор албатта махсус коржома кийиб ишлаши ҳамда пойабзали ўзига лойиқ бўлиши айни муддаодир. Теримчиларнинг эса ҳар куни кийим бошлари ва оёқ кийимлари тоза, қуруқ ҳамда ҳаво ўтказадиган бўлиши лозим.

Механизатор ва теримчиларни ўз вақтида овқатланишлари муҳим аҳамиятга эга. Овқат инсон организмининг ҳамма эҳтиёжларини қондирадиган ва кишининг ёши, меҳнат шароитлари ва бошқаларга мос келадиган бўлмоғи лозим. Овқат тўйимли, мазали бўлиши учун унинг таркибида озиқ моддаларининг ҳаммаси: оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар, витаминлар етарли бўлиши шарт. Оқсиллар инсон организми учун айниқса муҳим роль ўйнайди. Чунки улар организмнинг емирилиб кетган ҳужайралари ўрнига янги ҳужайралар тузиш учун асосий материал бўлиб хизмат қилади. Бу моддалар гўшт, тухум, сут, балиқ дўнакликлар (мош, ловия, нўхат) ва бошқаларда бўлади.

Йиғим-теримнинг долзарб кунларида механизаторларга даланинг ўзида овқатланишларига тўғри келади. Шунинг учун овқатни пахтазорга яқин шийпонда тайёрлаш, узоқроқ бўлган тақдирда термосларда сақлаш керак.

Далада ишлаётганлар учун шахсий гигиена талабларига риоя қилиш жуда муҳим. Нега деганда ғўза қатор ораларига ишлов бериш, баргини сунъий тўктириш пайтида турли препаратлардан фойдаланилган. Тўғри, уларнинг таъсир кучи тез йўқолади. Шундай бўлса-да, эҳтиёт бўлган яхши. Шунинг учун йиғим-теримда қатнашаётганларга ишни бажариб бўлгандан сўнг овқатланишдан олдин қўлларини совунлаб ювишни, кийимларини алмаштиришни маслаҳат берамиз.

Қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи барча ходимлар меҳнат хавфсизлиги қоидаларига пухта риоя қилишлари керак. Шунда шикастланиш ва касалланиш ҳодисалари учрамайди.

Ҳар бир кишининг соғлиғи энг аввало ўзига боғлиқ эканини унутмаги. Тозаликка риоя қилмаслик натижасида касаллик юз бериши ҳеч кимга сир эмас. Халқимиз «Соғлиғинг — бойлигинг», деб бежиз айтмаган. Ана шу бойликни эҳтиётлаш учун дала ишлари ҳар қанча тиғиз бўлганда ҳам терини, оғиз бўшлиғини парвариш қилиш, кийим-бошни тоза тутиш, овқатланиш режимига амал қилиш, кийимларни вақтида алмаштириб, ҳаммом ёки душга тушиб туришни унутмаслик лозим. Тозалик, покизалик юқумли ва ҳар қандай касалликлардан асрайди, меҳнатга барака киритади.

Л. ЭРГАШЕВА.
Ўзбекистон ССР санитария ва касб касалликлари илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати.

А. ЭРГАШЕВ.
республика санитария маорифи уйининг врачи.

Республикамизда ҳамма пахтакор, Йиғим-терим гоят авж олган шу кеча-кундузда эркаклар ҳам, хотин-қизлар ҳам, ҳатто пенсионерлару ўқувчилар ҳам муҳим ишга ўз ҳиссаларини қўшиш учун далага отланишган. Бироқ айрим хўжаликларда аёлларнинг йиғим-теримга сафарбар этиб, ўзлари чойхонама-чойхона юрган боқибеғам эркаклар ҳам учраб туради... (Редакцияга келган хатдан).

— Келинглар, кимнинг хотини кўп пахта теришга баҳс боғлашамиз!

А. Холиқов чизган расм.

ЎЗАРО БЕЛЛАШУВ

Крупская номли колхозининг икки марта Ленин ордени кавалери Қозоқ Камолов бошлиқ бригадаси пахтакорлари бу йил 130 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Заршунослар пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг бирор граммини ҳам нобуд қилмай, сифатли йиғиштириб олиш мақсадида астойдил ишламоқдалар.

Йиғим-теримда кўпмингкилограммчилар ҳаракати авж олдирилянти. Бу йилги мавсумда 8—10 тоннадан пахта теришга аҳд қилган Гулчеҳра Собирова, Қизларгул Абдуллаева, Солия Ўрозова, Гулнора Жумабоева сингари бригаданинг моҳир теримчилари ҳар куни 150—200 килограммдан дурдона теришга эришяптилар.

Аҳид коллектив аъзолари бу йил райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг Йўлдош Шўлахов бошлиқ 60 центнерчи бригадаси аъзоларилари билан мусобақалашган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Эндиликда ҳар икки коллектив йиғим-теримда ҳам ўзаро беллашиб ишлаяпти. Юбилей йили ҳосилини тезроқ саранжомлаб олиб, эл хирмонига мунносиб ҳисса қўшиш «оқ олтин» бунёдкорларининг ягона орзусидир.

Г. АВЕЗОВА.
Амударё райони.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Сарриосиё районидаги «Коммунизм» аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Дашнобод» совхози боғбонлари анор узишни қизғин давом эттиряптилар. Бу йил мазкур хўжалик давлатга 1000 тонна анор топширади.

Суратда: совхозининг илғор ишчиси Бонуой Раҳмонова анорзорда.

Ш. Алимов ва И. Хўжаев фотоси. (УзТАГ).

МУҲИМ САНАЛАР

1 Халқаро музика куни.
Хитой Халқ Республикаси деб эълон қилинди [1949].
3. Уқитувчилар куни.
4 Бундан 25 йил муқаддам [1957] СССРда дунёда биринчи Ернинг сунъий йўлдоши муваффақиятли учирилди. Космик эранинг бошланиши.
7 Германия Демократик Республикаси эълон қилинди [1949].
СССР Конституцияси куни.
9 Бундан 65 йил муқаддам [1917] В. И. Ленининг «Революциянинг вазифалари» асари нашрдан чиқди.
10 Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари куни.
11 Ўзбек театрининг ташкилотчиларидан бири, машҳур режиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти Маннон Уйғур (Мажидов) туғилганига 85 йил [1897] тўлди. 1955 йилда вафот этди.
12 Молдавия АССР ташкил топди [1924], 1940 йилдан бошлаб Молдавия ССР. Шоир, тожик совет адабиётининг асосчиларидан бири Абулқосим Лоҳутий туғилганига 95 йил [1887] тўлди. 1957 йилда вафот этди.
14 Тожикистон АССР ташкил топди, 1929 йилдан Тожикистон ССР.
Қора Қирғиз автоном области тузилди [1924]. 1926 йилдан Қирғизистон АССР, 1936 йилдан Қирғизистон ССР.
17 Озиқ-овқат саноати ходимлари куни.
22 Америка ишчилар ҳаракатининг арбоби, ёзувчи ва публицист Жон Рид туғилганига 95 йил [1887] тўлди. 1920 йилда вафот этди.
24 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро куни.
25 Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев туғилганига 70 йил [1912] тўлади.
Машҳур болалар шоири Қуддус Муҳаммадий туғилганига 75 йил [1907] тўлади.
27 Туркманистон ССР ташкил топди [1924].
Ўзбекистон ССР ташкил топди [1924].
29 Комсомол туғилган кун.
31 Автомобиль транспорти ходимлари куни.

ОЛИС САФАР ОЛДИДАН

Табиат ўз қонуни билан яшайди ва ривожланади. Ёз кетидан куз, ундан кейин муқаррар равишда қиш келиши ҳаммага аён. Кўп ўтмай қарабсизки, яна табиатда жонланиш бошланади, боғлар оппоқ гулларга бурканади, олис юртларга кетган қушлар қайтиб келади...

Бугунги кунда ҳам табиат ўз қонунига мувофиқ равишда ўзгаряпти: дарахтлар ўз либосини ўзгартиряпти, барглар ранги тобора сариғиш тус олмоқда. Енгоқ, қайин ва тераклар шохида дастлабки сариқ барглар пайдо бўла бошлаган бўлса, акация, заранг, шумтол барглари қўнғир тус оляпти, ялпоқ софораси эса ҳамон қўм-кўк бўлиб турибдигина эмас, ҳатто гуллаяпти. Бу шундай ғаройиб дарахтки, бир шохида турли рангли кўриш мумкин: куз келганига қарамай, бир вақтда гули, меваси ва тугунчасини кўрасиз.

Чуғурчиқлар олис йўлга чиқиш олдидан гала-гала бўлиб тўпланишяпти. Шу кунларда пахта далалари узра уларнинг тўп бўлиб учиб юрганини кўрасиз. Шуниси қизиқки, бу қушларнинг баъзи бирлари юртимиздан аллақачон учиб кетган бўлса, шимолдан бошқа хиллари учиб келишди. Улар ўзларига қадрдон бўлиб қолган ерлардан ноилож кетишяпти. Уларга иссиқ ерлар, овқатлар, дам олиш жойлари бўлса бас. Юртимизда эса ҳозир шароитлар бисёр. Шунинг учун ҳам бу қушлар олис юртларга учиб кетишга ошиқишмаяпти. Аммо қалдирғочлар, бўздақлар аллақачон кўринмай қолишди. Улар экваторга якин иссиқ ўлкаларга қишлагани учиб кетди.

Сангзор, Зарафшон, Сирдарё, Амударё, Қорасув, Чирчиқ бўйларида яшайдиган қушлар орасида жонланиш сезилиб қолди. Чуррак, ўрдак, ғоз, бирқозон каби сувда сузувчи қушлар, айниқса, кўп. Тўғри, улар ҳали ҳам кўлларнинг очиқ ерларида ҳаракат қилишади, соҳилдаги яқинига келишга жазм этишмайди. Лойхўраклар, қарқаралар, бунинг аксича ботқоқлик ерларда бўлишга ҳаракат қилишади, бизга таниш бўлмаган тарзда товуш чиқариб, бир-бирлари билан ўз «тил»ларида гаплашишади.

Октябрь ойида юртимиз осмони узра турналар учиб ўта бошлайди. Улардан кейин совуқ туша бошлаганда оққушлар ўтишади. Улар қадрдон жойларини келгуси йил баҳоригача тарк этишади.

Тоғ дараларида олтин куз чинакамига сеп ёйди. Наъматак, ёввойи олча, маймунжон, писта дарахтлари ўзгача «либос»да: улардаги ранго-ранг гуллар камалакни эслатади. Малина ҳали ҳам гуллаяпти. Қўёш уфқдан бош кўтараётган пайтларда харсангтошлар орасидан каклик-лар овозн эшитилиб туради. Бу қушлар даралардан қишлоқларга учиб ўтишади, тулкилардан ҳоли ва осойишта жойлар қидиришади. Тулкилар, айниқса, шу кунларда кўп. Уларнинг изи барча сўқмоқларда кўзга ташланади.

Бўрсиқ ва жайралар қишга шайланишяпти. Жайра узоқ ухламайди. Шундай бўлса-да, у кўп мой тўплайди. Совуқ кунлар келиши билан жайрада ялқовлик ва уйқучанлик пайдо бўлади. Бўрсиқ эса йиртқич жонивор. Куз ойларида унинг овқати сероб бўлади. Қизилмиянинг ширин илдизлари, йирик қўнғизлар, калтакесак ва илонлар, бақалар унинг севган овқатларидир. Емиш мўл бўлганлигидан бўрсиқ кун сайин эмас, соат сайин семириб, мой тўплайди. Шундай қилса, қишни машаққатсиз ўтказади.

Латча, олакўзан каби майда йиртқичлар қузнинг шу кунларида ташвишсиз яшашади. Улар асосан кемирувчиларни тутиб ейишади. Куз ойларида кемирувчилар ҳам ниҳоятда кўпайиб қолади.

Жанубий Қизилқумда ҳозирнинг ўзидаёқ кечалари совуқ тушадиган бўлиб қолди. Бу ерда яшайдиган кўпчилик қушлар октябрь ойида қишлаш учун иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Калтакесаклар кечаси майда тирқишларга кириб олади, кундузи кун исиб кетган дамларда эса исиниб олгач, овга чиқади. Судралувчилар октябрь ва ноябрь ойларида кам ҳаракат қиладиган бўлиб қолишади. Ёмғир ёққан ва совуқ тушган кунларда улар умуман кўзга кўринмай қолишади, инларидан ташқарига чиқишмайди. Турли хил калтакесаклар ва илонлар қишга яхши тайёргарлик кўришди, мой тўплашди, совуқ келиши билан улар ҳам ер юзасида кўринишмайди. Айрим илонлар ғуж-ғуж бўлиб олиб, қиш уйқусига кетишади.

Типратиканлар пахта майдонларида ва дала четларида ҳали ҳам ов қилиб юрганини кўриш мумкин. Улар ҳашаротхўрлар оиласига мансуб бўлса-да, кемирувчилар, калтакесаклар, ҳатто илонларни ҳам тутиб ейишади. Шу тариқа катта фойда келтиришади.

Қисқаси, юртимизга кузнинг иккинчи ойи —октябрь ташриф буюрди. Бу ойда деҳқончиликдаги муҳим кампания —пахта йиғим-терими янада авж олади. Колхозлар, совхозлар, районлар биринкетин ғалаба рапортига имзочекади. «Оқ олтин» хирмонлари кўкка бўй чўзади.

А. ЛЕСНЯК.

КУЗ ОКТЯБРЬ

ДУШАНБА		4	11	18	25
СЕШАНБА		5	12	19	26
ЧОРШАНБА		6	13	20	27
ПАЙШАНБА		7	14	21	28
ЖУМА	1	8	15	22	29
ШАНБА	2	9	16	23	30
ЯКШАНБА	3	10	17	24	31

ТАЖРИБАКОРЛАР МАСЛАҲАТИ

БОҒ ЮМУШЛАРИ

Куз ойларида ҳосил йиғиштириб олингандан кейин мевали дарахтларнинг кўпгина зараркунандалари қишлашга ўтади ва кузги-қишки даврда осойишталик палласида бўлади.

Шу боисдан куз ойларида томорқа хўжаликларидагина эмас, балки колхозлар ва совхозларнинг боғларида ҳам дарахтларни кўздан кечириб чиқиш, уларда касалликлар ёки зараркунандалар борми-йўқми аниқлаш даркор. Дарахтлар танаси, пўстлоғи ва шохларидан тортиб илдиз системасигача ҳар тарафлама кўздан кечириб чиқилиши керак. Зараркунандаларни йиғиб, уларни ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассисларга кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу зараркунандаларнинг турларини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини тўғри белгилаш имконини беради.

Октябрь ва ноябрь ойларида илиқ ёмғир ёғиб ўтган дамларда данакли дарахтларнинг ёш куртаклари касалликка чалинади. Шунинг учун бундай дарахтларга (ўрик, шафтоли, олхўри, олча, гилос) барг тўкила бошлаганда 3 процентли бордос суюқлиги пуркалиши керак. Бунда қуйидаги нормага риоя қилиш талаб қилинади: 300 грамм оҳак сўндирилиб, унга 300 грамм мис купороси ва бир оз сув қўшилади. Шу тариқа эритма ҳажми 10 литрга етказилади.

Кузда ва қишда мевали дарахтларнинг шохларида қуриб қолган мевалар кўзга ташланиб туради. Бундай меваларда замбуруғли касалликларнинг кўзғатувчили сақланиб қолади. Шу боисдан қуриб бужмайиб қолган меваларни йиғиштириб олиш ва қуйдириб юбориш даркор.

О. ЕРЕМЕНКО,
Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг энтомология ва зоология кафедраси доценти.

Куз неъматлари. В. Таран фотоси.

СЕВИНЧЛАРИ ДАРЁДЕК ТОШАР

Узоқларда янграган
танбур,
Ошиқ дардин айтиб
сайрайди.
Меҳнат аҳлин кўксида
ғурур,
Пахтакорнинг кўнгли
яйрайди.

Чунки бугун унинг
режаси
Ортиғи-ла амалга ошар.
«Оқ олтин»дан уйиб
зўр хирмон,
Севинчлари дарёдек тошар.

Боғларда-чи олма,
анорнинг
Айни пишиб етилган
чоғи.
Ундан тотиб кўрган
кишининг
Чунон хушнуд бўлар
димоғи.

Мана яна машина йўлда,
Бортда юки слиб-йўртади.
Шофёр йигит уни шу
тобда
Манзилига илдам элтади.

Санобар УМАРОВА.

МИЗОН

Ҳар фаслнинг ўз авж нуқтаси, камол палласи бўлади. Кузнинг ана шундай палласи — мизондир (Бу арабча сўздаги «и» товуши тилимизда «е»га айланган. Шунинг учун бир мустаснодан бошқа барча ҳолларда «мезон» ёзилади. Чунончи, «ҳар нарсанинг ўз мезони бор». Ёлғиз астрономик термин сифатида илмий адабиётда «мизон» «и» орқали ёзилади).

Мизон (21 сентябрь —21 октябрь) давомида тун бир соату 20 минутга узаяди, кун шунча қисқаради.

Сунбула тиниқ суви билан, мизон салқин шамоли билан машҳур. Яна бир фарқи:

Сунбулада сув совийди,
Мизонда — тонг.

Халқда «мизон» деганда, шу ой бошида шамол эсса ҳавода учиб юрувчи момиқсимон толачалар ҳам кўзда тутилади. Уни биринчи бўлиб кузатган деҳқон «Мизон ҳам кириб қолибди-да», деб қўяди.

Қирғиқ мизонни бошлаб келганидан, қирғиқ сўзи мизоннинг синонимига айланган, «қирғиқ шамоли» деса, «мизон шамоли» тушунилавераді:

Далаларда энди кезар
Қирғиқнинг шамоли.
Тиллаланиб кўринади
Заргар кузнинг камоли.
Мизон шамолига қўксингни тутмабсан, дунёга келмабсан!

«Қирғиқда қирқ томчиласа, кўз яхши келади», деган гап бор. Бунда мизон боши кўзда тутилади. Бу йилги мизон бошида шундай бўлди. Ҳаммамиз энди буни кузатиш имконига эгамиз.

Баҳорда гуркираб, шитоб билан оққан сув, эндиликда тизгинланган асов тулпордай тобора вазмин оқмоқда, гўё асов ёшлиги ўтиб, қуюлиб қолган одамдай. Ҳа, «табиатда ҳар нарсанинг бир қайтими бор».

Шу ойда деҳқон ташвишлари айниқса ёпирилиб келади: йиғим-теримни асосан тугаллаш, ер ҳайдаб, гўнг солиш, экиш каби.

Кузда экиладиган дон-дун, сабзавот, чунончи буғдой, арпа, пиёз, саримсоқни ҳозирги кунда экишнинг йўриғи ўзгача. Ҳозир экилган, айтайлик, буғдо-ю арпа қоргача кўпчаласа борми, қиши билан намиқиб, баҳра олиб ётади, баҳоргисига қараганда 15—20 кун олдин пишади, деҳқону эл-оғзи янги буғдой нонига тегади. Ҳали бу ҳаммаси эмас: кузги буғдой дони тўлиқ, мағиздор, тош босадиган бўлади, чорвага сомони ҳам ажабтовур бўлади. Баҳорги буғдою сомон, умуман, кузгисига қараганда кам ҳосил беради.

Демак, мизоннинг юмушлари эгиз, тиғиздан тиғиз. Аммо мизон шамоли қанча кучли бўлса, деҳқон қайнови шунча авжига чиқади.

Куз синови — оғир синов,
Бетга қалқар неки бор.

Деҳқоннинг азалий удуми мана бундай:

Тонг саҳардан туриб,
меҳнат қил,
Ишингни дўндириб,
роҳат қил!

Мизон ҳавоси, шамоли, офтоби барча жонзотларга оромбахш ва дармонбахшдир. Чуночи, мизон ўзининг тунги шамоли билан очилмаган кўсакларни очиб, кундузги офтоби билан пишириб беради. Кузги полизу сабзавот экинларига вазн, шира-бол ато этади.

Пахтакорларнинг бу йилги ҳаракати янада бўлакча: фидойи меҳнат — олий ҳиммат билан қўшилиб, бу йилги ишлар ҳам жобажо бўлишига катта-кичик ишонч билан қарашининг ўзиёқ файзнёблик бағишлайди, наинки деҳқонга — ҳамма-ҳаммага.

● **Пахта терсанг тоза тер,**
Чаноғида қолмасин.
● **Тонна граммлардан**
пайдо бўлади,
Хирмон чаноқлардан
кўтарилади.
● **Тоғлар гўзал оппоқ**
қорлари билан,
Боғлар гўзал олма,
анорч билан,
Дала гўзал юксак
хирмони билан!
● **Ҳосилнинг далалардагиси, эмас, хирмондагиси ҳисоб.**

Ишни уйқусида босиш, қуёшни доғда қолдириб, у чиққунча бир талай ишларни бажариб қўйиш даври келди. Энди барча юмушлар ҳар қачонгидан авж олиши муқаррар.

Ҳар куни қуёш чиққунча талай иш қилиб қўядиган деҳқондан биров: **«Қуёшга ҳам бир навбат беринг-да, ахир!»** — деган экан. Шунда деҳқон: **«Ҳаётдан умиди бор одам қуёшгача ётмайди!»** — деб жавоб берибди. Бу чинакам деҳқонга хос фазилат. Ҳосилни бир мисқолигача қолдирмай териб олмагунча унинг кўнгли тинчимайди.

Пахтакор ҳозир оппоқ дениз мисол чайқалиб турган чаноқларга завқ-шавқ билан боқаркан, толиқишлари ҳам ўзгача ҳузурбахш бўлади!

«Астойдил ҳаракат —хирмонга баракат» деган ибора-да катта маъно ва мазмун бор. Ҳозирги кунда дала гвардиячилари билан бирга каттаю қичик кўп сонли ҳашарчилар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Уларни елкадошликда ҳам, ҳамдам — ҳамнафасликда ҳам деҳқондан ажратиш қийин. Ниятлар ҳам бир — амаллар ҳам бир!

Пахта — шараф, шонимиз,
Юксалсин хирмонимиз.
Беллашайлик келинглар,
Ғаниматт ҳар онимиз!

(Фольклордан).

Боғбон юмушлари қам қаторлашиб келади: меваларни йиғиштириш, дарахт шохларини тартибга келтириш, ортиқчаларини кесиб ташлаш, янги кўчатлар ўтказиш, пайвандлаш, боғ орасини ҳайдаш, гўнг солиш, мизон суви тараш ва ҳоказо.

● **Куз фаслики, сарин**
мева бўлиқдир,
Дастурхонлар поз-неъматга
тўлиқдир.

Чорвадор ҳам ҳозиргача битмаган каму-кўстини батамом тугаллаш пайида бўлади.

Хуллас, мизон қанча тиқилинч бўлса, шунча нажотбахшдир.

Ҳа:

Қайноқ меҳнат рамзин
кўрай десанг, пахтазорга
чиқ,
Жўшқин меҳнат завқин
сурай десанг, пахтазорга
чиқ!

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

ОЧИЛ ДАСТУРХОН ОЧИЛДИ

Табиатнинг очил дастурхони янада тўкин-сочин бўлиб кетди. Бирин-кетин пишаётган узум, беҳи, анор, ноқ, нашвати каби ширин-шакар мевалар эл дастурхонини бойитди.

Серқуёш юртимизнинг географик жиҳатдан жойлашиши боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Энг муҳими — қуёш нури ва ёруғлик бисёр, ерларимиз унумдор, меҳнатга чин кўнгил қўйган, боғдорчиликни севган кишилар кўп, бу ишда фойдаланиладиган техника воситалари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган «Ўзбекистон» навли беҳи, Шредер Ренети навли олма, қорагат, пойтахт яқинидаги теплица хўжаликларида етиштирилаётган лимонлар, турли хил анор ва узумлардан мўл ҳосил олишга имкон бермоқда. Смородина, маймунжон, малина, дўлана каби шифобахш ўсимликларни кўплаб мисолга келтириш мумкин.

Кунгабоқар, помидор, маккажўхори, болгар қалампири, сабзи, лавлаги ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик экинларисиз инсоннинг кундалик ҳаётини тасаввур қилиш қийин. Улар озиқ-овқатлар рационини бойитади.

Дармон-дориларга, озиқ ва ва таъм хусусиятларига бой бўлишда помидорга тенг келадиган неъмат йўқ. Унинг таркибида дармон-дорилар, углеводлар, минерал моддалар, айниқса, калий ва кислоталар, микроэлементлар кўп. Булар инсон сиҳат — саломатлигини таъминлашда ниҳоятда зарур ва керакли-дир.

А. ЎРМОНОВ.



Октябрь ойида кумушранг чайқалар иссиқ ўлкаларга учиб кета бошлайди.
А. Лесняк фотоси.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Телевидение

ШАНБА

2 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «АБВГДейка».
10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.45 «Экран дўстларни чорлайди». Волгоград — Острава.
11.30 «Спортлото»нинг 40-тиражи.
11.40 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
12.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти.
12.35 «Салом, ўқитувчи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
13.05 «Сизга манзур китоблар».
13.50 «Алёшанинг танлагани». РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи А. В. Белаевнинг Кострома область Красносельск районидаги Иконников ўрта мактабининг биткрувчиси, механизатор А. Андреев ҳақидаги ҳикояси.
14.00 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс. Донецкдан олиб кўрсатилади.
14.20 «Совет тасвирий санъати». Е. А. Кибрик.
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Ёш гвардия» комсомол ташкилотининг 40 йиллигига. «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
18.00 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
18.30 «Ҳайвонот оламида».
19.30 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
20.00 «Музика ҳамма учун». Шарҳ.
21.30 «Время».
22.05 «Кропоткинская, 12». «Андроников сўзи» туркумидан телевизион фильм.
23.10 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 «Каргополь ўйинчоғи». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.35 «Тонгги почта» музикали программаси.
10.05 А. Афиногенов. «Машенька». Телевизион спектакль.
11.40 АРМАНИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.00 «Киносаёҳатчилар клуби».
14.00 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
14.45 «Бу ер менинг уйим». Н. Ескалиева иштирокида фильм-концерт.
15.15 «Инсон — ер ҳўжайини».
16.15 «Москвичка» телевизион клуби.
17.45 «Театр ва томошабин».
18.45 Халқаро обзор.
19.00 «Музикали киоск».
19.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1966 йил».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Ҳиндистон терма командалари. Донецкдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
00.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Металлист». 2-тайм. Минскдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Шум бола». Бадиий фильм.
11.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
12.35 Қорақалпоғистон АССР ва республика областлари театрларининг телевизион фестивали. А. Вампилов. «Катта ўғил». Каттақўрғон театрининг спектакли.
13.50 «Шахмат мактаби».
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Алдаркўса ва бой», «Самодаги саёҳат». Кўғирчоқ фильмлар.
18.30 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали-ўқув кўрсатуви.
19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қоялар орасида». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Тамарахоним». Телевизион фильм премьераси («Узбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамбликинг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
00.05 Кўрсатувлар программаси.

«ҚИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 02029

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42, 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1128.